

Қонунчилк ва ҳуқук тартибот учун!



ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ

12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН

Postda

• Үзбекистон Республикаси ИИБ нашри • 2003 йил 16 октябрь, пайшанба • 42 (3518)-сон

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
КАРОРИ

2003 йил ҳосили пахта хом ашёсини сақлашни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, фермерлар, пудратчилар ва теримчилар томонидан терилган пахта хом ашёсini қабул пункtlariga ўз вақтида топширмаслик, пахтанинг мослаштирилмаган жойларда сақланishi, пахта майдонлari ning пайхон қилиниши натижасида кўплаб ҳосилининг йўқотилишига йўл қўйилмоқда.

Пахта хом ашёсini ўғирлаш ва талон-тарож қилиш ҳолларининг тез-тез учраёттаниги, уни республика ташқарисига ноқонуни олиб чиқиб кетишга уринишлар жиддий зарар келтирмоқда. Йигиб олинган пахта хом ашёси ҳосилининг, кейинчалик уни республика ташқарисига олиб чиқиб

кетиши ва сотиши мақсадида хусусий уйлarda ва ҳовлиларда яшириш ҳоллари ушбу қонун бузилишларini келтириб чиқараётган сабаблардан бириди.

Фақат биргина ҳолатда Сирдарё туманида яшовчи fuқарolardan бирининг хусусий уйидан 2,2 тонна пахта хом ашёси топилган. Ана шундай ҳоллар Жizzah вилоятining Mirzaqul туманида, Namangan viloyati ning Учқурғон туманида ва respublikaning boшқa minthalariда ҳам aniqlantgan.

Вужудга келган ахвол айrim xўjaliklari raҳbarlari томонидан назорatning бўшастириб юборилганини, уларниң ҳосилини сақлаши muammolariдан ўzini

четга olaётganligi, viloyatlardan tumanlar ҳokimlari томонидан ularga nisbatan talabchanlikning pastligi oқibatiidir.

Пахта хом ашёsini йигиб-териб олиш, ташиш ва сақлаш ваqtida uning saqlanishini taъminlash, paxtachilik xўjaliklari raҳbarlarining masъuliyatini kuchaytiiriш maқsadiда Vazirlar Maҳkamasasi қарор қiladi:

1. Куйидагиларга:

Жizzah (U.Yamankulov), Namangan (T.Jabborov), Sirdare (R.Xaydarov), Toшkent (U.Mirzaqulov) va Farfona (A.Otaboev) viloyatlari ҳokimlari, qishloq xўjaligi korxonalari raҳbarlari paxta xom ashёsi va boшқa qishloq xўjaligi ekinlarinинг пайхон қилиниши ustidan zarpur nazoratning mavjud emasligi kўrsatib yutilsin.

Ҳокимлari уларning пахта хом ашёsining ўғirlaniши, talon-tarож қiliñiши va respublika tashqarisiga noқonuny olib chiqib ketilişini ning oldin olish bўyicha ҳolari ning ўz vaqtida oldin olish bўyicha iishlarinинг aҳvoli учун shaxsan javob bériishi tўғrisida ogoҳdantiyil sinlar.

2. Terialgan paxta xom ashёsinning қabul punktlari raҳbarlari paxta xom ashёsining tўsiçsiz va uzluksziz topshiriliishi va uning zarur daражada saqlanishi учун шарт-sharoitlarни taъminlasinlar.

(Давоми 2-бетда).

ИШОНЧЛИ МУХОФАЗА КАФОЛАТЛАНАДИ




Корхона, ташкилот, муассаса, савдо шохобчалари binolari, turar жойларни қўриқлаша ички iшлар idoralarini қўriқlaш hizmatining tutgan ўrni beқiёsdir. Aйniksa, markaziy қўriқlaш pultiga уланган obъektlardarida ўgrilik deяrli sodir etilmayapti. Ўзлariга topshirilgan inishoottlarни iшончli muҳofaza қiliши borasida poytaxtning Mirzo Ulugbek tumani ИИБ ҳузурiddagi қўriқlaш bўlimi томонидан amalga oshirilaётgan iшlар diкqatga сазовор.



Суратларда: I-MҚP operatori L. Kurbonova navbatdagi xabarni қabul қilaishi; bўlim inspektorlari, militsiya kichik leitenanti M. Mirxўjaev va militsiya serjantni A. Ernazarovlar obъektdagi ҳolat bўyicha markazga axborot berishiyapti.

A. KENJAEV oltan suratlari.



АЗИЗ! МУШТАРИЙЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Ички iшlар vazirligi Birlashgan taхriyatinining «Postda» va «Na postu» gazetalari hamda «Qalqon» va «Щит» journallari 2004 йилning birinchi ярми учун обuna boşlandi.

Jinoyat qidirov xizmati voqealari, tergovchi xotiralari, sud ocherkilari қiziқсангиз, nashrлari misiga obuna bўling. Gazeta va journallarda mammatkizim va dunё sport янгилklari, teledaсттурлар, munajжimlar bашorati va boшқa xabarlar muntaзам bering boriладi. Krossword, сканвордлар, «Salomatlik», «Nihol», «Sulola», «Ibrat» kabi sahiфалар sizni beferak қoldirmайди, deb ўйlaimiz.

Ички iшlар tizimida amalga oshirilaётgan янгилklari, dunёda sodir bўlaётgan olamshumul voqealardan vaqtida bohabar bўliшини истасангиз, gazeta va journallарimizga обuna bўlishiga шошилинг.

ИНДЕКСЛАРИМИЗ:

«Postda» - 180 (366) «Na postu» - 169 (367)
«Qalqon» - 970 - (1083) «Щит» - 971 - (1084)

UCHINCHI TV OLAM
«Postda» gazetasining ilovasi

TANIqli KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR,
SPORT YANGILKLARI, INTERNET XABARLARI

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

2003 ЙИЛ ҲОСИЛИ ПАХТА ХОМ АШЁСИНИ САҚЛАШНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎГРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Терилган пахта хом ашёсининг ушбу мақсадлар учун мўлжалланмаган ва ёнгин хавфсизлиги қоидалари жавоб бермайдиган жойларда, шу жумладан хонадонларда ва томорқа участкаларида сақланиши тақиқлансан.

Терилган хом ашёниң қабул пунктларига ўз вақтида топширилмаганлиги, пахта ушбу мақсадлар учун мўлжалланмаган ва ёнгин хавфсизлиги қоидалари жавоб бермайдиган, шу жумладан хонадонларда ва томорқа участкаларида сақланганлиги учун фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида, мансабдор шахсларга эса - етти баравари миқ-

дорида жарима солинади. Қонун бузилиши тақрорланган тақдирда фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг етти баравари, мансабдор шахсларга эса - ўн баравари миқдорида жарима солинади. Жарима солиш мазкур ҳолатлар содир этилган жойдаги ички ишлар органлари томонидан маъмурий жазолаш тартибида амалга оширилади.

Пахта хом ашёсini ўғирлаш ва талон-тарож қилиш, уни республика ташқарисига олиб чиқиб кетиши ҳоллари аниқланган тақдирда айбор шахслар қонун хужжатларида назарда тутилган тартибида, шу жумладан жиноий жавобгарликка тортиладилар.

3. Ўзбекистон Республикаси

Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов) терилган пахтанинг сақланишини таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўрсинг, профилактика ишларини фаоллаштирун ва қонунни бузувчиларга нисбатан амалдаги қонун хужжатлари қатъий мувофиқ равища қаттиқ чора-лар кўрсинг.

4. Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси (Р. Қодиров) пахта хом ашёсiniнга сақланишини таъминлашга қаратилган қонун хужжатлари ижроси устидан назоратни кучайтирун.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимларини хукуқни муҳофаза қилиш органлари би-

лан биргаликда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, жамоат тузилмаларини ва оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда, пахтанинг талон-тарож қилинишига қарши кураш бўйича, шу жумладан ушбу соҳадаги хукуқни қўллаш амалиётини ёритиш йўли билан олдини олиш ва профилактика ишларини фаол амалга оширасин.

“Ўзтелерадио” компанияси (А. Қўчимов) Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги (М. Ҳазратқулов), оммавий ахборот воситалари ушбу йўналишда олиб

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

Тошкент шаҳри,
2003 йил 13 октябрь.

борилаётган ишларнинг мунтазам ёритилишини таъминласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (А. Полвонзода) манбаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда амалдаги қонун хужжатлари газиб қарордан келиб чикувчи ўзгариши ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсан.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари И. Жўрабеков ва Т. Ҳудайбергенов зиммасига юклансин.

И. КАРИМОВ

Миннатдорчилик

МАМНУНИЯТ ИЗҲОР ҚИЛИШДИ

Республика Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковники З. Алматов номига “Friendship Force International” халқаро ташкилотининг Тошкентдаги бўлими раиси Р. Алимовдан миннатдорчилик мактуби келди.

Унда мазкур ташкилотнинг бир гурӯҳ вакиллари шу йил сентябр ойида Ўзбекистон билан танишиш мақсадида Самарқанд, Янгийўл шаҳарларида, Чимён тоглари ва республикамизнинг бошқа сазовор жойларда бўлганликлари айтилган.

Америкалик меҳмонлар уларни сафарлари чоғида кузатиб юрган йўл-патруль хизмати ходимларининг кўрсатган кўмагидан мамнун эканликларини изҳор қилишган. Хатда ўзаро ҳамкорлик бундан кейин ҳам ривож топиши ва мустаҳкамланишига ишонч билдирилади.

Халқаро алоқалар


НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР

Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш маркази БМТнинг Қочоқлар масаласи бўйича Олий комиссари бошқармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси кўмаги ва иштирокида республика оммавий ахборот воситалари ходимлари учун семинар-тренинг ташкил қилди. Унда республика ИИБ Бирлашган таҳририяти вакиллари ҳам қатнашиши.

Семинарнинг биринчи куни “Инсон ҳуқуқлари кириш” мавзуига бағишиланди. Машгулотларни инсон ҳуқуқлари бўйича мутахассислар М. Иноқова ва Ж. Норбоев олиб боришиди. Иккичи куни БМТнинг Қочоқлар масаласи бўйича бошқармасининг Ўзбекистондаги миссияси бошлиғи жаноб Абдул Карим Гуль нутқ сўзлади. У ўзи вакил бўлган ташкилотнинг серкірра фаолияти ҳақида гапириб берди.

Машгулотлар мунозараларга бой ўтиб, наазарий билимлар амалий жиҳатдан мустаҳкамланди. Мавзуулар бўйича видеофильмлар ҳам намойиш этилди. Семинар сўнгига қатнашчиларга белгиланган намунадаги сертификатлар топширилди.

Ўз мухбиримиз.



«Пахта – 2003»

ХИРМОНГА БАРАКА

Бу йилги об-ҳаво инжикларига қарамай мўл ҳосил етиштирилди. Шу кундаги долзарб вазифа ана шу етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қўлмай йигиштириб олишдан иборат. Шу борада Тошкент вилояти ИИБ ходимлари дехқонлар, фермер-хўжаликларнинг ишчи-хизматчилари, аҳоли ўртасида кенг кўламда тушунтириш ишлари олиб боришимокда.

Бироқ амалга оширилаётган тарғибот-ташвиқларга қарамай пахта майдонларининг пайҳон этилиши ва ҳосил талон-тарожлигига йўл қўйилиши кузатиласяяти.

Масалан, ҳозиргача экин далаларини пайҳон этилиши бўйича 17 та ҳолат аниқланди. Етказилган зарар 160 минг сўмдан зиёдроқни ташкил этади. Бундан ташқари, пахтани

кўшини Республикаларга файриқонуйи равища олиб чиқиш ҳам қайд этилмоқда.

Янгийўл туманини З. Ҳусниндин шахсий автомашинасида 1600 кг пахтани Қозоғистон Республикаси сотиши учун олиб кетаётганда ушланган. Я. Миродил ҳам 800 кг пахтани қўшини Республикага олиб чиқмоқчи бўлганда тутхатилган. Бу каби хатти-

ҳаракатларнинг пайини қирқишида ички ишлар идоралари, божхона, прокуратура ходимлари ва чегарачиларнинг ҳамкорлиги яхши самара бермокда.

Шунингдек, теримчи ва ҳашарчиларни пахтазорларга бешикеста етказиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишлари ЙХХБ ходимларининг диккат марказида. Аммо ҳайдовчилар огоҳлантиришига қарамай тақиқланган машиналарда одам ташиш ҳолатлари ҳамон учрайти. Юк автомобиллари, тиркамаларда теримчиларни ташиган 43 ҳайдовчига нисбатан маъмурий чора кўрилди.

Ёнгин хавфсизлиги ходимлари ҳам мавсумни уюшқолик билан ўтказишга ўз хис-

саларини қўшишяпти. Хирмонлар, қабул пунктларининг ёнгинга қарши ҳолати текширилганда катор камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Ўт учираш жиҳозларининг носозлиги, сув манбаларининг етишмаслигига йўл кўйиган 50 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка торттилди. Уларга 205 минг сўмдан ортиқ жарима солинди.

Вилоят ИИБда тузилган “Пахта-2003” тезкор штабига кундалик маълумотлар келиб турибди. Штаб ходимлари олинган ҳар бир ахборотни синчилкаб ўрганиб, камчиликларни бартараф этиш чоратадбирларини белгилаш билан бирга уларнинг ижроси устидан назорат ўрнатилган.

Ш. АНВАРОВ.

МАСЪУЛИЯТНИ УНУТГАН ҲАЙДОВЧИЛАР

Ҳазорасп тумани бўйича корий йилда давлатга 22 минг 818 тонна пахта териб топширилиши мўлжалланмоқда. Паҳтакору ҳашарчиларнинг тинимсиз меҳнатлари туфайли йигиштирилган ҳосил давлат омборларига жўнатилмоқда.

Терим мавсуми бошланиши олдидан вилоят ИИБ ЙХХБ алоҳида ЙПХ отряди 4-сафарбарлик гурӯхи ходим-

ларидан иборат махсус гурӯх ташкил этилди. Улар ҳар куни трактор ҳайдовчилари билан сұхbatлашиб, йўлларда ҳаракатланиш қоидаларига амал қилиш тўғрисида огоҳлантирилмоқда. Шунга қарамай тумандаги айрим ширкат ҳўжалиги раҳбарлари ўз хизмат вазифаларига совуконлик билан ёндашиштаганилиги туфайли ҳамон йўл ҳаракати

қоидаларининг кўпол равишида бузилиши ҳоллари учраб турибди. Масалан, М. Жўрабек үзига биркитилган “Дўстлик” ширкат ҳўжалигига қарашли “МАЗ-80” русумли тракторни масти холда бошқариб бораётгани аниқланди. “Дўстлик” ширкат ҳўжалиги трактор ҳайдовчилари К. Раҳмонберган ҳамда М. Умидлар тракторларида одам ташиш қоидасини кўпол равишида бузиб келаётгандан тутхатилди. Туман пахта тозалаш очиқ турдаги хиссадорлик жамиятига қарашли “ЗИЛ-130” русумли автомашина ҳайдовчиси М. Собир, “Ўзбекистон” ширкат ҳўжалигига қарашли “ЗИЛ-130” русумли автомашина ҳайдовчиси С. Шавкат, “Ҳазорасп” ширкат ҳўжалигига қарашли “ЗИЛ-157” русумли автомашина ҳайдовчиси М. Баҳодир, А. Ёкубов номли



ширкат ҳўжалигига қарашли “ГАЗ-53” русумли автомашина ҳайдовчиси Ш. Исломбой, “Эркин” ширкат ҳўжалигига қарашли “Т-28 X4” русумли трактор ҳайдовчиси Р. Шавкатлар одам ташиш қоидасини бузиб, транспорт бошқараётгандилари кишини жиддий ташвишлантиради.

Йигим-терим мавсуми қизғин тус олди. Келинг, мана шундай долзарб кунларда пахта ҳосилини исроғарчилксиз йигиштириб олиш, мавсум давомида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга етарлича эътибор берайлар.

Б. ҚУРБОНОВ,
милиция майори.

Суратда: вилоят ИИБ ЙХХБ 4-сафарбарлик гурӯхи ЙПХ инспектори, милиция капитан сержант Ш. Зайниддинов трактордаги жиддий камчиликларни ҳайдовчига кўрсатмоқда.

Ж. ҚОЗОҚ
олган сурат.

21 октябрь – Ўзбекистон Республикаси Давлат тили тўғрисидаги қонун қабул қилинган кун

ТИЛГА ЭЪТИБОР – ЭЛГА ЭЪТИБОР

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганига 14 йил тўлди. Бу давр ичидаги ўзбек тилида иш юритишни такомиллаштириши юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни ижроси амалиётда қандай таъминланмоқда? Шу жумладан, Тошкент шаҳар ИИББда бу борадаги аҳвол қандай?

Таъкидлаш жоизки, пойтакт ишчи ишлар идораларида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси ИИБ кўрсатмаси ва Тошкент шаҳар ИИББ бошлиги фармойишига кўра Баш бошқарма марказий ҳайъатининг янги таркиби тасдиқланган. Жойларга кўрсатмалар юборилиб, ушбу фармойиши тегишили бандларининг ижросини таъминлаш назоратга олинган.

Конуннинг ижросини таъминлаш босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Айни пайтда ИИББ ва унинг тизимларида хизмат қилаётган русийзабон ходимларга давлат тилини ўргатиш, маҳаллий ҳалқ вакиллардан ташкил топган ходимларга эса лотин ёзувида янги ўзбек алифбосини ўқитиш ишлари ўлгуга кўйилган.

Ахборот маркази, молия-иқтисод бошқармаси бошлиқлари зиммасига Баш бошқарма ва унинг тизимларида мавжуд бўлган компьютерларга лотин алифбоси ҳамда ҳозирда амалиётда кўлланилаётган кирил алифбосидаги ў, К, Ф, Х ҳарфларини жойлаштириш ва-зифаси юклатилган эди. Тошкент шаҳар ИИББ девони ва тизимларида бу вазифа тўлиқ амалга оширилгани ходимларнинг иш унумдорлиги ошишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек, давлат тилини ўқитиш ва лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосини ўргатиш борасида Баш бошқарма маънавияти ва маърифат марказида ўргатилаяпти. Аммо юкоридаги фармойиши бажарилишига етарли эътибор бермаётган жамоалар ҳам йўқ эмас, албатта. Ҳали-ҳанузгача жойлардаги тизим ва идораларда давлат тили бўйича тузилган ҳайъат кўнгилдагидек ишламаётгани сабабли иш юритиш, турли ёзишига ва ҳужжатлар ҳамон рус тилида олиб бориляётгани кузатилмоқда. Конун талабларини ҳаётга жорий этиш, бу борада амалга оширилаётган ишлар бўйича йиғма жиллар юритиб борилмаётгани яққол кўзга ташланмоқда. Бундан ташқари, Конунда ходимлар давлат тилига белуп ўқитилиши кўрсатиб ўтилган бўлишига қарамай ҳанузгача айрим жойларда бу инобатга олинмаяпти.

Тилга эътибор – элга эътибор, деб бежиз айтишмаган. Шундай экан, ҳали ҳам Конун талабларидан келиб чиқсан холда иш тутиш мақсадга мувофиқ эканлигини унумаслик зарар.

Б. ҚУЛЖОНОВ,
милиция лейтенанти.



Раифайл акага ёшлигига отаси ўтирувчи бўлишина маслаҳат берди. Мана, йигирма беш йилдирки у Бухоро вилояти ИИБнинг ёнгин хавфисизлиги соҳасидаги хизмат қилиб келяпти. Самал Саидов, Баҳодир Нуруллаев, мархум Ботир Бобоев – кабилардан касб сирларини ўрганди.

Раифайл акаги чорак асрлик хизмати осонлик билан кечмади, албатта. Аммо меҳнатингизнинг нафи эл-юргатга тегаётгани, қадр то-паётганини кўрсангиз, чеккан маҳқатларингиз унут бўларкан.

Раифайл ака 1992 йил март ойидаги Мингбулоқ нефть кони фавворасини жиловлашда иштирок этди. Олов

«Жасорат» медали соҳиблари

ХИЗМАТДА ҚАДР ТОПДИ

ҳайбати, тафти кўнгилларга анчамунча ваҳима соларди. Аммо ўтирувчи қалбига эмас. Рафаил акагининг ўша кунлардаги меҳнати мунособ тақдирланди – Ўзбекистон Республикасининг Фаҳрий Ёлиги билан мукофотланди.

1996 йилда Кўкдумалоқ нефть ва газ кониди юз берган фалокат ҳам ҳеч қаҷон ёдидан кўтарилемайди. “Иш эгасидан қўрқади”, деб бекорга айтишмайди. Мардлик ва жасорат маҳорат билан уйғунлашгандагина кўзланган мақсадга осон етилади. Ўшанда Рафаил Зарипов ҳамкаслари билан бирга бор маҳоратини ишга солди. Натижада қисқа вақт ичидаги фалокат бартарафа этилди.

Қархамонимизнинг ёдидаги қолмagan ёнгинлар қанча. Аммо уларни ўтиришда, юз бериши мумкин бўлгандарининг олдини олишда чеккан заҳматлари бошқаларнинг ёдидаги экан. Юртимиз мустақиллигининг 12 йиллиги олдидан унинг “Жасорат” медали билан мукофотлангани фикримизнинг далилидир.

“Катта арава қайдан юрса, ки-

чик арава ҳам шундан юради”, – дейди доно ҳалқимиз. Рафаилнинг укалари Исмоил билан Илес ҳам ака изидан бориб ёнгин хавфисизлиги тизимида хизмат қилишитди.

Ҳозирда ички хизмат подполковники Рафаил Зарипов вилоят ИИБ ЕХБ 2-отрядига сардорлик қиляпти.

– Мустақиллик йилларида хизматимизнинг замонавий ўтириш воситалари билан таъминоти тубдан яхшиланди, – дейди у. – Ҳодимларимизга ҳурмат-эътибор ҳам кучайди. Камтарона хизматиминг шундай юксак мукофот билан тақдирланганлиги ҳам сўзимнинг тасдигидир. Бу аввалимбор жамоамизга берилиган мукофот деб биламон. Зоро, ҳаётда озми-кўпми ютуқларга эришган эканман, бунда ҳамкаслариминг ҳиссаси каттадир.

У устозларидан ўргангандаги, амалий фаолияти давомида орттириган билим ва тажрибаларни шогирдларига ўргатиб келмоқда. Демак, жасорат давом этапти!

А. ФИЁСОВ,
милиция майори.

Фаҳрийлар – фахримиз

БЕҲАЛОВАТ ОТАҲОНЛАР

Фаллаорол шаҳрида яшайдиган истеъфодаги милиция майори Хабибулло Саримсоқовни ҳар гал йўқлаб боргандага кўнглимиз төгдек кўтарилади. Самбо, кураш бўйича спорт устаси бўлган бу инсон, ногирон бўлиб қолгандан кейин бекор ўтиришини эп кўрмай хайрли ишга қўл урди. Уйидан бир хона ажратиб, ўғил-қизларни самбо ва курашга ўргата бошлади. Ҳозир 50 дан ортиқ болаларга ўз ёнидан спорт кийимлари олиб бериб, машгулотлар ўтятпи.

Ишлаб юрган кезлари пенсияга чиққандан кейин мириқиб дам олиб ётаман, деган фикр ҳар бир кишининг хаёлидан ўтади, албатта. Лекин чарчоқ тарқалгач зерикиш бошланади, яна қайноқ ҳаётга қайтгина келади. Билагида кучи бор, бой тажрибага эга киши яна эл-юргат учун хизмат қилишга бел боғлади.

Ҳозирги кунда вилоятимизда 1200 нафардан ортиқ ички ишлар фахрийси истиқомат қилади.

Уларнинг аксарияти жамоат ишларида фаол иштирок этишитди. Истеъфодаги милиция капитани Э. Умаровга Жиззах тумани ҳокимлиги катта ишонч билдириб, “Токчилик” қишлоқ фуқаролар йиғинига раис этиб тайинлаган. Шунингдек, яна бир милиция фахрийси А. Шарипов шу тумандаги “Хайробод” қишлоқ фуқаролар йиғини раҳбарни.

Кексалик-бекорчилик эмас. 30 нафарга яқин фахрий кўчабоши сифатида белгиланган ҳудудда тинчлик ва осойишталикни саклаш, турли ҳукуқбузарлик ва қонунбузарликларнинг олдини олишда профилактика инспекторларига яқиндан кўмак беришитди. Яна ўттиз нафардан ортиқ фахрий турли идораларда ҳукуқшунос-маслаҳати бўлиб ишлайти.

Кўп йиллар ички ишлар идораларида хизмат қилган қишилар тажрибаси ўш ходимларга мактаб ва-зифасини ўтайди. Буни эътиборга олиб туман ички ишлар бўлима-

рида тез-тез учрашувлар ўтказаётмиз. Бундан ташқари жойларда профилактика инспекторларига фахрийлар бириктириб кўйилган. Улар фуқароларни қабул қилиш, ҳукуқий маслаҳат бериши, шунингдек, профилактик ишларга кўмаклашишмоқда.

Зомин туманида меҳнат қилаётган фермер Маҳмуд Бойматов ҳам бизнинг фахрийлардан. Ҳозирда у 100 гектар ерда дехончилик қиляпти. Қишлоқдаги бир неча ўшларни иш билан таъминлаган.

Рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Шу ўринда биз, фахрийларга вилоят ИИБ раҳбарияти томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликларга ҳам тўхтамоқчиман. Мамлакатимиздаги тарихий жойлар, муқаддас қадамжоларга уюштирилаётган саёҳатлардан айниқса мамнунимиз.

Ж. ТУРДИМУРОДОВ,
Жиззах вилояти ИИБ фахрийлар
кенгаши раиси, истеъфодаги
милиция подполковники.

Қарор ва ижро

МИСИ ЧИҚҚАН «ТАДБИРКОР»ЛАР

Маълумки, мамлакатимизга сифатсиз товарлар кириб келишининг олдини олиш мақсадида республика Вазирлар Махкамасининг “Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон республикаси худудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисидаги”га Қарори қабул қилингани бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш ўйлуда мухим қадам бўлди.

Ҳозирги кунда ахоли ўртасида мазкур Қарорда белгиланган вазифаларни бажариши юзасидан тушунтириши ишлари олиб борилмоқда. Аммо шунга қарамай айрим шахслар нопок ишларга кўл уришапти. Улар турли айланма йўллар орқали ҳар хил товар-моддий бойликларни мамлакатимиз худудига белгиланган давлат божхона тўловларини тўламай, ўзбoshimchaliq bilan olib kirmoqda.

Жумладан, Тошкент катта ҳалқа йўлунинг Бектемир тумани худудидаги Тошкент шаҳар ИИББ жино-

ят қидирив ва терроризмга қарши кураш бошқармасининг коррупция, рэқет ва товламачиликка қарши кураш бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбир давомида кўшини Қозогистон Республикасидан айланма йўллар орқали мол олиб киришга уриниш ҳолати аниқланди. “УАЗ” русумли учта автомашинага ортилган мақарон маҳсулотлари, 1000 дона қоғоз ҳалтачада қора мурч, 504 дона сояли соус, 47320 дона турли хуштам зираворлар, 100 дона крахмал, 4000 дона қуритилган кўзиқорин каби умумий нархи 10.678.000 сўм бўлган, ҳеч қандай хужжатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ушлаб қолинди.

Бундан ташқари, С. Раҳимов тумани худудида вақтинча ҳеч қаерда ишламайдиган Э. Зариф бошқарувидаги “ГАЗ-53” русумли юк автомашинаси шубҳа ўйғотгани учун тўхтатилди. Унинг юкхонасида нима борлиги ва қаerдан олиб келинаётгани сўralgan vaqtida.

да ҳайдовчи юкларни Қозогистон Республикаси чегараси якинидаги ҳудуддан ортиб келаётганини, юк эгалари орқада келаётган “Нексия” русумли автомашинада эканлигини айтди. Юнинг эгалари Тошкент шаҳар Сирғали туманида яшовчи У. Зумрад, Т. Ҳаётхон ва К. Холидалар эканлиги маълум бўлди. Уларга ҳамрох қилиб келаётган У. Дилмурад ўзини прокуратура ходими деб таништириб, хизмат гувоҳномасини кўрсатган ҳолда тезкор ходимлардан юкларни ўтказиб юборишни талаб қила бошлади. Уларни текшириш учун Тошкент шаҳар ИИБГа олиб келинаётганди. У. Дилмурад ички ишлар ходимларига қаршилик кўрсатиб, тўсатдан машинадан сакраб тушиб қочиб кетади. Аммо кўрилган чорак тадбирлар натижасида у узокка кетмасдан ушланди. Олиб борилган суриштирувлар натижасида унинг гувоҳномаси қалбаки эканлиги аён бўлди.

Юк машинаси текширилганда умумий нархи олти миллион сўмни ташкил этувчи, 226 дона қоғоз кутига жойланган 1956 жуфт аёллар пойафзали борлиги аниқланди. Бундан ташқари, Т. Ҳаётхоннинг ўйидан соҳта тадбиркорлик натижасида ортирилган 4.150.000 сўм пул далилий ашё сифатида олindi.

Шайхонтохур тумани ҳудудида ўтказилган тадбир вақтида тошкентлик Э. Раҳматилла ҳамда шу туманда истиқомат қилувчи А. Шавкат бошқарувидаги “ЗИЛ-130” русумли автомобиллар тўхтатилгандага улардан бирининг юкхонасида Россия давлатида ишлаб чиқарилган, умумий нархи 4.860.000 сўмлик гутурлар ва 76 та қоғоз кутида 760.000 сўмлик тезда тайёрланадиган “Роллтон” макарон маҳсулотлари борлиги маълум бўлди. Иккинчи юк машинасида эса 355 та яшикка жойланган, нархи 5.325.000 сўмлик гутурлар ортилган экан.

Шуни таъкидлаш жоизки, бу каби қонунбузарликларни содир эттаётган шахслар ҳеч қаҷон ниятларига ета олмайдилар. Токи, ўз бурчига содик, Фидойи, тиниб-тинчимас ички ишлар ходимлари бор экан, юртимиз осойишталиги ҳамиша барқарордир. Зиммалардаги масъулиятни чукур ҳис эттаётган ҳукуқ-тартибот посбонлари ўзларига билдирилган ишончни оқлаш учун юкоридаги каби ҳолатларга қарши курашни давом эттираверадилар.

С. АБДУРАХМОНОВ,
милиция майори.

Маънавий-сиёсий тайёргарлик машғулотлари гурухлари раҳбарларига ёрдам

ҲАРБИЙ ИНТИЗОМ ВА ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Куроли Кучлари Интизом Низоми ҳарбий интизомнинг моҳияти, ҳарбий хизматчиларнинг унга риоя килиши бўйича мажбуриятлари, рафбатлантириш ва интизомий таъсиirlарнинг кўринишлари, командирлар (бошликлар)нинг уларни кўллаш бўйича хуқувлари, шунингдек, таклиф, ариза ва шикоятлар бериш ва уларни кўриб чиқиш тартибларини аниқлайди.

Ҳарбий интизом – барча ҳарбий хизматчиларнинг қонун, ҳарбий низомлар томонидан, командирлар (бошликлар) бўйруқлари билан белгиланган тартиб ва коидаларга қатъий ва аниқ риоя килишдир. У ҳар бир ҳарбий хизматчининг Ўзбекистон Республикасини химоя килиш бўйича ҳарбий бурчи ва шахсий масъулияти, ўз халқига мислсиз садоқатни хис қилишига асосланади.

Ҳарбий хизматчиларда юксак интизомни тарбиялашнинг асосий усули ишонтиришдир. Аммо бу ўз ҳарбий бурчига нисбатан мажбурий чоралар кўришини истисно этмайди. Ҳарбий интизом ҳар бир хизматчидан:

- ҳарбий қасамёдга содик бўлиш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига катъий бўйсунишни;

- ҳарбий ишни сидқидилдан ўрганиш, ҳарбий ва давлат мулкни асрарни;

- ҳарбий хизмат қўйинчиликларини мардонавор енгиз, ўз бурчани бажариш учун жонини ҳам аямаслини;

- сергак бўлиш, ҳарбий ва давлат сирларини қатъий сақлашни;

- командирлар (бошликлар) ва бир-бирига хурмат кўрсатиш, ҳарбий салом-аплик ва хушфельлик коидаларига риоя килишини;

- жамоат жойларида ўзини мунособ тушиб, номусобиҳатти-харакатлардан ўзи ва бошқаларни тийб қолиш, фуқароларнинг ор-номусини химоя қилишини таб этади.

- юксак ҳарбий интизомга эриши ўйла ва усуллари кўйидилардан иборат:

- биринчидан, ҳарбий хизматчиларда юксак ахлоқий-руҳий ва жанговар фазилатларни тарбиялаш, командирлар (бошликлар)-га онгли равиша бўйсуниш;


иккинчидан, ҳар бир ҳарбий хизматчининг ўз мажбуриятлари ва ҳарбий низомлар талабларини бахарига шахсий масъулияти;

учинчидан, ҳарбий қисм (бўлинма)да ички тартибига бўйсуниш, барча ҳарбий хизматчилар томонидан кундалик режимга қатъий риоя килиш;

тўртингидан, командирлар (бошликлар)нинг ўз кўл остида гиларга кундалик талабчанлиги ва уларнинг ижроилигини назорат қилиш, ҳарбий хизматчилар шаънни хурмат қилиш ва бу ҳақда доимий қайғуриш, ишонтириш, мажбураш, жамоатчилик таъсири каби омилларни уйғулаштириш ва ўрнида кўллаш;

бешинчидан, ҳарбий қисм (бўлинмалар)да зарур моддий-маший шароитларни яратиш. Ҳар бир ҳарбий хизматчи ўз бурчани намунали бажариши, масъулиятни чукур ҳис этиши лозим.

Республика ИИБ Ички қўшинлар Бош бошқармаси шахсий таркиби билан ишлаш бўлими.



маҳалла фаоллари О. Матчонов, С. Вафоевлар марказининг ўзига хос томонлари, бу ерда яратилган шарт-шароитлар ҳақида фикр юритдилар.

Таъкидлаш жоизи, марказда ҳар бир соҳавий хизматлар учун алоҳида хоналар мавжуд. Улар замонавий ўқув куроллари ҳамда техник воситалар билан жиҳозланган. Барча кулайликларга эта бўлган ўқотиши йўлакчиси, матрифат ва маънавият хонаси, кутубхона, ётоқхона, ошхона, ҳаммон, дам олиш хоналари тингловчилар ихтиёрида.

Марказ биносининг ишга туширилиши нафақат ички ишлар ходимлари, балки Янгибод ҳамда Бобурномли маҳаллалар аҳли учун ҳам фойдали бўлди. Чунки ҳар иккى маҳалла ёшлиари замонавий спорт мажмууда турли спорт тўғаракларида иштирок этадилар.

Куришида фаол иштирок этган қурувчилар ҳамда милиция ходимлари вилоят ИИБнинг Фахрий ёрлиги ҳамда қимматбаҳо совғалари билан таъкидландилар.

Х. ЖАББОРОВ.



Суратларда: қасб маҳорати марказининг кўриниши; машғулот пайти.

Ж. ҚОЗОҚ олган суратлар.

Маърифат дарси

МАҚСУД ШАЙХЗОДА – АТОҚЛИ ЎЗБЕК АДИБИ

Ўзбек китобхонлари, адабиёт ихолосмандлари Максуд Шайхзодани алоҳида хурмат билан тилга оладилар. Ёзувчи ва олим бутун ижоди ҳамда илмий фаолиятини ўзбек адабиётининг ривожига багишилди.

Севимли адаб ҳаёт бўлганида 95 ёшга тўларди. У 1908 йилда Озарбайжоннинг Оқтош шаҳрида шифокор оиласида дунёга келди.

М. Шайхзода 1928 йилда Тошкентта кўчib келади. Дастлаб бир катор газеталарда ишлайди. 1933 йилда тил ва адабиёт илмий текшириш институтига ишга кириб, ўзбек адабиётни мукаммал шугуллана бошлайди. Айниқса, мумтоз адабиётни чукур ўрганиди. 1938 йилдан Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти-

да ўзбек адабиёти фанидан дарс беради.

Ўзбек халқининг тарихини, буюк сиймолари ҳаётини ўрганишга бел боғлаган М. Шайхзода шарқ мумтоз адабиётини севиб ўрганди. Унинг "Жалолиддин" драмаси ўзбек халқининг Чингизхон истилочиларига қарши кураши, қаҳрамонлиги, она замин учун жонини фидо килган мард ўғлонларига багишиланган тарихий асардир. Жалолиддин Мангуберди ва Темур Малик образларида ватанпарвар халқимиз тимсоли гавдаланади.

Жаҳон астрономия илмига бе-киёс хисса кўшган улуг олим ва давлат араби Мирзо Улуғбек ҳаётининг сўнгиги иккى йилини ўз ичига олган тарихий трагедиянинг ёзилиши Максуд Шайхзоданинг ўзбек адабиётидаги ўрнини яна да юкорига кўтади. "Мирзо Улуғбек" трагедияси ўзбек драматур-

и гиясининг энг сара асарлари қаторидан ўрин олиб, кўп йиллар театр саҳналарида кўйилди. Манбаларда адабининг Абу Райён Беруний ҳаётига багишиланган йирик асар ёза бошлагани ва уни охирига етказолмай қолгани қайд этилади.

М. Шайхзоданинг "Тошкентнома" достонида шарқ дарвозаси ҳисобланган Ўзбекистон пойтахти ва аҳолиси ҳаёт талқин этилади. Чукур замонавий руҳ билан сугорилган асарда адабининг ўзбек халқи, хусусан тошкентликларга бўлган меҳр-муҳаббати, хурмати акс этиб турди.

Ўзбек мумтоз адабиётининг атоқли намоёндлари Навоий, Бобур, Муқими, Фурқат ижодини ўрганиб, тадқикотлар олиб борган М. Шайхзода кўплаб асарлар ёзи, илмий ходимларга раҳбарлик килди.

М. Шайхзода ўзбек адабиётини жаҳон мумтоз адабиёт дурданлари билан бойитишида ҳам катта хисса кўшиди. У Низомий, Фузулий, Байрон, Шекспир, Пушкин, Некрасов, Руставелининг айрим асарларини ўзбек тилига таржима килган. Атоқли адаб ўзбек халқи қалбida абадий яшайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 йиллиги олдидан

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга катта эътибор берилмоқда. Чунки ҳуқуқий демократик жамиятга асосланган мустақил давлатда фуқароларнинг кучли ҳуқуқий билимга эга бўлиши ана шу жамият пойдеворининг мустақамлигига кафолатdir. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда Президентимиз И. Каримовнинг 2001 йил 4 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиши ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойши қимматли аҳамиятга эга. Фармойшининг 5-бандида республикамиз оммавий аҳборот восита-тарафидан мазкур масала бўйича доимий рукнлар ташкил этиш вазифаси юқлатилгани матбуотга билдирилган юксак ишончdir.

Шуни инобатга олиб Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 йиллиги олдидан газетамида Қомиссизни атрофлича ўрганиши учун туркум мақолалар беребор бориши режалаштиридик.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасига И. Каримов раҳбар бўлгач халқимизнинг асрий орзусини рўёбга чиқарди. Мамлакатимизда собык Иттифоқи республикалари ичидан биринчилардан бўлиб, 1990 йил 24 марта куни Президентлик лавозими жорий этилди. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И. Каримов ташаббуси билан 1990 йил 20 июня Олий Кенгаш йигилиши чақирилиб, "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Декларация" қабул қилинди.

Декларация ўзбек давлатчилиги

ҲАЁТИМИЗ ҚОМУСИ

тариҳида ўз тақдирини ўзи белгилаш тўғрисидаги биринчи ҳужжат бўлди. Унга кўра, ўзбек халқининг давлат бошқаруvida ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи ва фаровон ҳаёт кечиришина таъминлашни олий мақсад деб ўз зиммасига олган ҳолда, халқaro ҳуқуқ коидаларига асосланиб, ўзининг "Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Декларацияси"ни эълон қилди. Ва бундан бўён Ўзбекистон ўзининг ташки муносабатларида, давлат ҳоқимияти масалаларини ҳал этишда танҳо ҳоқимлигини, унинг чегаралари ва худуди дахлисиз эканлиги, ўз тараккиёт йўлини, ўз номини, давлат рамзарини (герб, байрок, мадхия) ўзи таъсис этиши, демократик ҳуқуқий давлат ташкил топганини бутун дунёга маълум қилди. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришиши унинг ижтимоий-иктисодий, сиёсий, маданий ва маърифий янгиланиши истиқболларининг режаларини белгилаб берадиган Конституция қабул қилиш зарурити туғилди.

Шу тариқа мустақил Ўзбекистоннинг давлат тузуми асосларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинларини, давлат ҳоқимияти органларининг ташкил этилиши ҳамда фаолияти принципларни ўрнатилди, Конституциямизнинг асосий принциплари мумкаммалашди.

Шу тариқа мустақил Ўзбекистоннинг давлат тузуми асосларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинларини, давлат ҳоқимияти органларининг ташкил этилиши ҳамда фаолияти принципларни белгилаб берадиган Конституция қабул қилиш зарурити туғилди.

1990 йил июнь ойидаги республика Олий Кенгашининг иккичи сессиясида янги Асосий Конун лойиҳасини тайёрлаш учун Конституциявий Комиссия тузилди. 1990–1992 йилларда Ўзбекистоннинг 1978 йилги Конституцияси га юздан ортиқ ўтга мухим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Конституциявий ислоҳотнинг иккичи босқичи 1991 йил 31 августдан 1992 йил 8 декабргача бўлган даварни ўз ичига олади. Бу босқичнинг ўзига хос хусусияти "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига тўғрисидаги Олий Кенгаш Баёноти"га асосланиб, "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги конституциявий Конун билан белгиланади. Ўн етти маддадан ташкил топган ихам ва кичик ҳужжат Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида кўйган илк қадамларининг конституциявий ҳуқуқий асосини ташкил этиди. Мазмун-моҳиятига кўра уни Мувакқат кичик Конституция деб таърифлаш мумкин.

Шу босқичда Конституция лойиҳаси тайёрланади, умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинди. Умумхалқ муҳокамаси пайтида лойиҳани мукаммалаштиришга доир кўплаб тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди. Конституция комиссиясининг ўзига олти мингдан ортиқ тақлиф ва мулоҳазалар ташкил топган ичам ва кичик ҳужжат Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши бўлса, Ўзбекистонда давлат мустақиллиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилинишини тақозо этган иккичи омилдир.

Ўзбекистон Конституцияси унинг халқи эришган ҳуқуқ ва эркинларини, давлат ҳоқимиятини ташкил этишда ўз хоҳиш-истакларини Конституциявий комиссия умумхалқ муҳокамаси якунларини кўриб, лойиҳани макъуллади. Лойиҳа Олий Мажлис сессиясида қизғин мухокама этилди ва қабул қилинди.

Ф. АБДУМАЖИДОВ,
республика ҳуқуқий-маърифий
тарбигот марказининг директори.

УЧНИНСИИ TV VOLAM

«Постма» gazetasining ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR,
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

“Үэддербен тайёрганган ноңштага келавермагач оқсоч хавотирлана бошлади.
У иссиқхонага кириб үй эгасини чақирди. Ичкаридаги дим ҳавотурфа гуллар атрига түйинганди.
Үэддербен орхидея остида чалқанча ётар, гулнинг илдизлари унинг бўйнига, қўлига чирмашган, Үэддербенниң чаккасидан қон сизиб турарди...

Муштариylар бу Герберт Уэлснинг “Фаройиб орхидея гули” ҳикоясидан олинган парча эканини пайқаган бўлишса керак. Унинг асосида Голливуд киночилари кўплаб ваҳимали фильмларни суратга олиши.

Ёзувчининг ўлимидан сўнг архивидан Лондонда чиқадиган газеталардан бирининг парчаси топилди. Айнан ана шу газета парасидаги хабар юқоридаги фантастик ҳикоя сюжети учун турткি бўлган. Мақоланинг қисқача мазмуни қўйидагича: Үэддербен деган киши биолог Беттен тропик ўрмондан топган орхидея гулининг янги турини бозордан сотиб олиб, иссиқхонасига ўтқазади. Биологни шериклари ўзи топган тул ёнида ўлиб ётган ҳолда топишади. Унинг танасида бир томчи ҳам қон қолмаган эди, гўё бирор сўриб олгандай. Үэддербен ҳам кейинроқ орхидеяниң курбонига айланшига бир баҳа қолди.

Газетадаги мақолада Амазонка чангальзорларидан фожиали ўлим топган Бэтсоннинг тақдирни бағасифл ҳикоя қилинади. Англия илмий экспедициясининг аъзоси бўлган бу ёш олим ўзига етгулик шуҳратпаст эди. У янги ҳашарот турини топиб, ўзноми билан аташни орзу қиласди. Маҳаллий ҳинд йўлбошловчиси Бэтсонга фақат тунда пайдо бўладиган ёнар капалак

ҳақида гапириб қолди. Тунларнинг бирида биолог ҳеч кимга билдирамасдан чироқ ва учига майдада тўр ўрнатилган узун ёғоч олиб ўрмонга йўл олди.

Эртаси куни унинг ўлигини лагерь яқинидан топишади. Бечора чирмовуқсимон ўсимлик остида ётар, номаълум махлуқ унинг бутун қонини сўриб олганди. Ўша атрофдан экспедиция аъзолари майда ва йирик ҳайвонларнинг суюклари, скелетларини топишади.

Орадан юз йиллар ўтиб

дан бу ерни хосиятсиз ҳисоблаб, ундан нарироқ юришади.

Мана, бир неча юз йилдирки, табиатшунослар вақти-вақти билан одамхўр ўсимликлар ҳақидаги мавзуга қайтиб туришади. Бу олди-қочди воқеаларни олимларнинг ўзлари янги илмий экспедицияларга маблағ ундириш учун ўйлаб топишади ёки газеталар ҳангоматалаб муҳлислари учун тўқиб чиқаради деган тахминлар ҳам бор.

Қуйидаги воқеани қайси тоифага киритиш

монга қараб боравериши. Юриб-юриб кенг дала га чиқиши. Майдон ўртасида Ҳиндистондаги банъян дараҳтига ўшаган улкан дараҳт ўсади. У тарвақайлаб, шоҳлаб кетганди. Дараҳт танасининг йўғонлиги ўттиз метрлар келарди. Шоҳларидан кўплаб чирмовуқлар осилиб турарди.

Хид борган сайин кучаярди. Клаус дурбинини олиб дараҳтга диққат билан қаради-да: “Секинроқ нафас олинглар. Бу руналарнинг қисинглар! Бу дараҳт қопқон

ди, танасини чирмовуқлар қоплаб олди.

Ҳаммоллар маслаҳатлашиб йиртқич дараҳтни ўйқ қиласидиган бўлишди. Эртаси куни улар дараҳт атрофига қуруқ шоҳ-шаббалар тўплаб ўт қўйиб юбориши. Дараҳт гўё хавфни ҳис қиласидай кетма-кет оловга “қўллари”ни, яъни чирмовуқларни чўзар, яна зудлик билан тортиб оларди. Ярим соатдан сўнг дараҳтнинг пастки шоҳлари ўт олди, кейин алантга шиддат билан юқорилади. Шу пайт ҳамма ёқни қўланса

эса аёлнинг қони сўрила бошлади.

Яхшиямки уйда Эльзанинг жияни бор эди. У холосининг бақирганини эшишиб югуриб келиб, қонхўр поянни олиб ташлади.

Эльза маслаҳат сўраб Флорида ботаниклариға мурожаат қилди. Улар ҳақиқатан ҳам сўнгги пайтларда АҚШнинг турили штатларида йиртқич ўсимликлар учраб турганини айтиши. Аммо наботот оламининг бу вакиллари пашшалар, қўнғизлар, нари борса қурбақалар билан озиқланышар экан. Ҳайвонхўр ўсимликлар ер остида яшаб, тепада фақат аждар оғизга ўхшаб кетадиган сарик гули бўларкан. Ҳойнаҳой, гул бурун вазифасини ўтаса керак. Ўлжанинг ҳидини сезиши билан “бурун” ўсимлика хабар берган. Шунда ер остидан қисқичлар чиқиб, жоноворни пастга тортиб олган. Аммо шу пайтгача ўсимликтинги йирик жоноворларга, одамга ҳамла қиласидай этилмаган.

Бу воқеа ҳақида гапсўзлар Флорида бўйлаб тез тарқалди. Аҳоли заҳарли кимёвий моддалар ёрдамида ўз томорқаларида аждар оғизга ўхшаб кетадиган ўсимликларни йўқ қилишга кириши.

Яна Венесуэладаги севишганларнинг сирли ўлимига қайтсан. Қишлоқ аҳли фожиани ўрганиб, изоҳлашни сўраб шу орада иш олиб бораётган американлик биологларга мурожаат қиласиди. Олимлар дараҳт табиатида ҳеч қандай йиртқичлик хусусиятини топмадилар. Аммо унинг қўёш боттанидан сўнг ўзидан ўта ёқимли ҳид таратишини аниқлаши. Бу ис тезда кишининг ўйкусини келтириб, хушидан кетказарди. Дараҳт яқинидаги горда эса вампир ҳашаротлар яшарди. Балки ошиқ-маъшусларни дараҳт ухлатиб кўйгач, қонхўр ҳашаротлар учб келиб, уларнинг қонини сўриб олишгандир? Ҳўш, бу ўзига хос иттифоқдан ўсимлика қандай манфаат бор? Балки, мурданинг эти чириб, дараҳт учун ўғит вазифасини ўтар...

Хориж матбуоти
материаллари асосида
тайёрланди.



гарб матбуотида яна шунга ўхшаш хабар пайдо бўлди. Фожиана Венесуэла жанубидаги қишлоқлардан бирида юз берди. Отаналарининг тергайвериши жонларига теккан севишганлар табиат қўйнида тунашга қарор қилиши. Уларни бир суткандан кейин икки дараҳтга бояланган арғимчоқда топиши. Дараҳтлардан бирининг тури маҳаллий аҳолига ҳам маълум эмасди. Ошиқ-маъшуслар танида жароҳат излари йўқ эди. Фақат майда-майдада думалоқ ярачалар кўзга ташланарди, холос. Қизиғи, уларнинг танасида қон қолмаганди. Севишганлар устларига ёпинчики ёпишмаган ёки бунга улгуришмаганди. Худди Бэтсон билан боғлиқ воқеага ўхшаб, фалокат юз берган жой яқинидан майда жоноворларнинг суюклари топилди. Одамлар беихтиёри ҳид келган то-

экан. Унинг олдида бир ўюн суюкларни кўряпман”, — деди.

Экспедиция аъзолари маслаҳатлашиб эҳтиёткорлик билан дараҳтга яқинлашишга қарор қилиши. Клаус текшириб кўриш учун елкасидан милтигини олиб, шоҳга қўниб турган қузгунни отди. Куш пастга қулаши билан осилиб турган чирмовуқлар тез ҳаракатга келиб, уни дараҳт қаърига тортиб қетди.

18.50 Олтин мерос.

19.00 Давр.

19.35 "Давр" - репортаж.

19.45 Қишлоғи ҳафтадар.

20.00 Ҳандалак.

20.30, 21.10, 22.35 Эълонлар.

20.35 "Ўзбектелефильм" на-

моиш этади: "Лафз". Кўп

қисмли телевизион бадий

фильм.

21.15 Оханрабо.

22.00 Давр.

22.40 ТВ-анонс.

22.45 Кинотақдим.

23.05 "Интернет". Бадий

фильм.

0.05-0.10 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ - III

17.10 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 TTВда сериал: "Бан-

кок-Хилтон".

17.55 "Мультичархалак".

18.15, 21.45 "Экспресс" тे-

легазетаси.

18.25 "Билим" телеклуби.

18.40 "Афиша".

19.00 "Мисли гавҳар".

19.15 "Табриклиймиз-кутлай-

миз".

19.35 "Жаҳон географияси".

20.05 "TV плюс".

20.35 "Хусусийлаштириш:

У ким? Бу нима?

10.00 "Чурбака". Мульти-

фильм.

10.10 Табобат оламида.

10.35 Ринг қироллари.

11.25 "Ниҳол" мукофоти со-

вирнодлари кўйлайди.

11.40 "Гадалупе". Телесери-

ал.

12.20 Кутиммаган меҳмон.

12.40 "Бир бола тарихи". Бадий

фильм.

14.10 Озод юрт фарзандла-

ри.

14.30 "Экспедиция". Кўп қис-

мли ҳуҷатли сериал.

15.20 Қишлоқдаги тенгдо-

ши.

15.40 "Қаҳқаҳа" театр - сту-

дияси наимош этади.

16.10 "Учничи сайдера". Ман-

рифий дастури.

17.00 ТВ – анонс.

17.05 "Давр" - репортаж.

17.15 "Янги авлод" студияси:

Буш ўтирма.

17.35 "Кувонок". Стартлар.

18.10 Болалар экрани: "Яшил

водий сари".

18.10 Очил дастурхон.

18.30 "Ўзбеккино" тақдим

этади: "Кўканди латиф".

18.45 Аскар мактублари.

19.05 Чемпион сирлари.

19.10 Болалар экрани: "Яшил

водий сари".

19.10 "Она меҳри".

19.20 "Бу турфа олам".

19.20 "Рақибингиз гроссмей-

стер".

19.20 "Интеллектуал ринг". Телевишн.

19.30 ТВ анонс.

19.35 "КиноТеатр".

19.45 "Маърифат". Телеальма-

нах.

19.50 "ТВ клип".

19.50 "Қорқалпнома".

19.50 "Обод ўйда пок одамлар яшайди".

19.55 Рамазон тұхфаси: "Рама-

зан фазилаттар".

"Болалар сёйраси":

17.25 1. "Софлом танда - со-

акл". 2. "Олтин тож". Телеви-

зион ўйн.

18.25 "Ок вора". Телешоу.

19.05 ТВ клип.

19.10 "Бизнес харфа".

19.25, 20.00, 20.25, 21.10

Эълонлар.

19.30 "Тахлилнома" (рус тилида).

19.35 "Фарзанда".


19.40 "Мунаввар тонг". Ин-

формацион дам олиш дасту-

ри.

19.50 "Кўрсатувлар дастури.

19.50 "Мунаввар тонг". Ин-



С. АБДУЛЛАЕВ тудзи.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЎТГАН СОНИДА ЧОП ЭТИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Чапдан ўнита: Истикъолол, Апо, Капитан, Рона, Оно, Арканзас, Руанда, Ом: "Рамаяна". Ида, Отс, От, Гилос, Элак, Арно, Мола, Асати, Ас, Драп, Бах, Само, Газ, Лир, Ой, Ка, Нон, Ёкут, Ин, Ва, Шам, Кураш, Сув, Ара, Аср, Хема, Марш, Ре, Амал, Префикс, Қатор, Зот, Унаби, Анна, Ро, Дум, Лантан, Арқон, Он, Азот, Зумрад, "Жасорат", Йоддуз, Уран, Икар, Ман, Турин, Фил, Макнуна, Ис, Олма, Инсон, Лотерея, Неон.

Юқоридан пасты: Криминалистика, Асал, Ми, Нур, Анжуман, Соната, Аргон, Рамазон, Аракс, Ар, Эт, Айова, Ло, Тасанно, Коллинз, Наша, Азон, Ун, Қадам, Сои, Азор, Ока, Тантал, Овоз, Десна, Нарса, Арз, Крит, Коса, Елим, Ис, "Монд", Роллан, Оператор, Арелон, Уя, Зулфия, Аттанд, Құшдуз, Нішим, Си, Ёш, Адан, "Илон", Анон, Лобар, Қаср, Тадорик, Ле, Олам, Кумун, Обуна, Аммо, Ота, Саховат, Рим, Дур, Ан.

Шакл ўртасидаги сурат "Аршин молодон" кинофильмидан.

СПОРТ+ФУТБОЛ



14 октябрь куни Тоҷикистон пойтахти Душанбе шаҳрида миңтакамизнинг энг йирик мусобақаларидан бири – V Марказий Осиё ўйинлари бошланди.

«КИЧИК ОЛИМПИАДА»ДАН УМИД КАТТА!

Марказий Осиё ўйинлари илк бор Президент Ислом Каримов ташаббуси билан Ҳалқаро Олимпия Кўмитаси (ХОҚ) кўмагида Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Тоҷикистон спортчилари иштироқида 1995 йилда гўзал пойтахтимизда ташкил этилганди. Муҳлису мутахассислар томонидан «кичик Олимпиада» деб таъриф берилган дастлабки мусобақада спортчиларимиз улкан муваффақиятга эришишган. Ўшанда ҳамюртларимиз 65 та олтин, 66 та кумуш ва 49 бронза, жами 180 та медаль жамғарип, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгалландилар.

Хўш, V Марказий Осиё ўйинларида спортчиларимиздан қандай натижалар кутиялти?

Аввало, Ўзбекистон терма жамоаси бокс, эркин кураш, юнон-рум кураши, дзюдо, таэквондо, тенис, ўқотиш, енгил атлетика спорт турлари бўйича беллашувларда иштирок этишини айтиб ўтиш зарур. Шунингдек, ҳалқаро спорт турига айлануб улгурган ҳалқимизнинг миллий қадрияти - кураш беллашувлари мусобақа дастуридан ташқари ўтказилиди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, медаллар учун ракобат, асосан, Ўзбекистон ва Қозоғистон спортчилари ўртасида кечади. Шу ўринда, ҳамюртларимиз ўйинларга жиддий тайёргарлик кўриб, ўкув-машгулот йигинларида анчагина тер тўkkанини айтиш жоиз.

Хуллас, V Марказий Осиё ўйинларида юртдошларимиздан умид катта. Чунки «кичик Олимпиада» олимпиадачилиримизнинг руҳий, жисмоний аҳволини билиб олиш, аксарият спортчилар учун спорт оламидаги энг йирик анжуман

- Олимпиада ўйинлари йўлланмасини берадиган мусобақаларга жиддий тайёргарлик кўриша хизмат қиласи.

«ТОШКЕНТ ОПЕН» ЯКУНЛАНДИ

6-12 октябрь кунлари пойтахтимиздаги Тошкент тенис марказида «Тошкент опен» ҳалқаро анъанавий ёллар тенис турнири ўтказилди.

Мусобақанинг жуфтлик баҳслари финалида Т.Пучек (Беларусь) украиналик Ю.Бейгелзимер билан биргаликда Хитой вакиллари - Тинг Ли ва Тиан Сун жуфтлигини 6:3, 7:6 ҳисобда доғда қолдирди.

Яккалик баҳслари финалида энг кучли ракетка усталари рўйхатидан жой олган Виржиния Руано Паскуаль (Испания) ҳамда Саори Обата кортга чиқиши. Қизғин ва муросасиз курашларга бой бўлган ушбу учрашувда В.Паскуаль 6:2, 7:6 ҳисобда зафар қушиб, мусобақа голибасига айланди.

- «Тошкент опен» сингари нуфузли турнирларда голиб чиқиш жуда мушкул, - деди В.Паскуаль. - Лекин турнир финалида галаба қозониш учун бор маҳорат ва тажрибамни ишга солдим. Ўзбекистонда ҳар қандай спорт тадбирлари юқори савияда ташкил этилишини биламан. Чунки бир неча йилдан бўён «Тошкент опен» турнири зўр иштиёқ билан кузатиб бораман.

Финал учрашви якунлагандан сўнг турнир голибаларига мусобақа соврини ва эzsалик совғаларини Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов ва «Тошкент опен» турнири ижрохи директори Шун Ругам Утрапати топшириши.

Шундай қилиб, пойтахтимиз тенис марказида бир ҳафта давом этган «Тошкент опен» турнири поёнига етди. 1996 йилдан бўён ўтказиб келинаётган турнир голибалари - П.Вартуш (Австрия), А.Гавальдон (Мексика), А.Смашнова (Исроил), И.Тўлаганова (Ўзбекистон), Б.Ламаде (Германия) ва М.Микаэлян (Швейцария) сафига испаниялик Виржиния Руано Паскуаль ҳам кўшилди.

Республикамизда болалар спортини ривожлантириш борасида ўтган йили Ҳукуматимизнинг маҳсус қарори қабул қилинган эди. Унда Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий


ҳаракати олдига ҳам қатор вазифалар кўйилди. Мазкур ташкилот ёшларни жисмонан соглом ва баркамол қилиб тарбиялаш ўйлида қатор хайрли ишларни амалга ошириб ке-

ляпти. Жумладан, яқинда унинг Тошкент шаҳар Кенгаши Ўзбекистон Давлат Жисмоний тарбия институти билан ҳамкорликда 1-11-синфлар ўқувчиларига мўлжалланган гимнасти-

ка машқлари акс этган плакатларни тайёрлади. Муҳим жиҳати, машқлар мажмуни синф шароитида эрталабки бадантарбия ўрнида 5-7 дақиқа ичидаги бажариш мумкин.

Плакатлар 12 минг нусхада тайёрланган. Улар яқин кунлар ичидаги пойтахтнинг барча мактабларига белуп тарқатилади.

Ўз мухбиришимиз.



– Ботиржон, ҳаётингиздаги энг кувончли дақиқалар ҳақида гапириб берсангиз.

– Бундай шодиёналар кўп бўлган. 1995 йили Қирғизистонда самбо бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида ўз вазн тоифам бўйича голиб бўлганман. Орадан бир йил ўтгач, самбо бўйича Японияда ўтказилган жаҳон чемпионатида шоҳсупанинг учинчи поғонасига кўтарилидим. Миллий курашимиз бўйича 2000 йилги жаҳон чемпионатида бронза медаль соҳиби бўлдим.

– Бухоро шаҳрининг 2500 йиллик тўйи шарафига уюширилган

ХАЙРЛИ ТАШАББУС

Чемпион билан учрашув

Суҳбатдошимиз спортнинг кураш ва самбо турлари бўйича қатор ҳалқаро мусобақаларда голиблик ҳамда фахрли ўринларни қўлга киритган спортчи Ботир Хўжаев. У ҳозирда «Динамо» ФСЖ Бухоро вилояти бўлимида йўриқчи-инспектор бўлиб ишлайди.

мусобақада ҳам қатнашган эканси...

– Ҳа, ўшанда мутлақ вазнда голибликин кўлга киритиб, республикамиз Президентининг соврини ҳамда вилоят хокимлиги томонидан «Нексия» машинаси билан тақдирланган эдим.

– Ҳуқуқ-тартибот ходимлари ўртасида ўтказиладиган спорт турнирларида иштирок этиб турсаизми?

– Албатта. 2000 йили Югославида милиция ва полиция ходимлари ўртасида кураш бўйича бўлиб ўтган ҳалқаро мусобақада голиб бўлдим. Бундан ниҳоятда фахрланаман.

– Сўнгги йирик ютуғингиз?

– 2002 йил август ойида самбо бўйича Осиё чемпиони бўлдим.

– Оилангиз ҳақида ҳам иккى оғиз гапирангиз.

– Ўйланганман. Умр йўлдошим Лутфияхон билан аҳил-иноқ яшаяпмиз. Бир фарзандимиз бор.

– Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?

– Кўпроқ дўстлар даврасида бўлишни яхши кўраман. Шунингдек, кундалик нашрларни ҳам севиб ўқийман.

Суҳбатдош А. ФИЁСОВ.

САРАЛАШ БЕЛЛАШУВЛАРИ ОЛДИДАН

Бу гал футболчиларимиз Осиёнинг етакчи терма жамоаларидан бири — Бирлашган Араб Амирликларига қарши ўртоқлик учрашувда майдонга тушишди. Терма жамоа бош мураббийи Р.Хайдаров 11 октябрь куни Дубайдаги ўйинга миллий чемпионатда тўп суроғтган футболчиларимиздан ташқари, Россия, Украина ва Молдавия клублари шарафини ҳимоя қилаётган легионерларни ҳам жалб қилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар иккى терма жамоа ҳам ўртоқлик учрашувига барча кучли футболчиларни тўплай олмади. БАА бош мураббийи Англиялик Рой Ходжсон Осиё чемпионлар лигаси финалида иштирок этган «Ал-Айн» жамоаси футболчиларини таркиба жалб этмади. Ўзбекистон терма

жамоасида В.Маминов, О.Пашинин, М.Шацких, А.Фёдоров, А.Гейнрих каби Европа клубларида ўйнаётган футболчилар турли сабабларга кўра ўйинда иштирок этмади.

Статистик маълумотларга кўра, мазкур иккى терма жамоа ўзаро етти марта куч синашган.

БАА футbolchilarini беш марта

футболчиларни қозонган бўлса, ўзбекистонликлар бундай шарафга бир

марта сазовор бўлишган, бир ўйинда кучлар тенг келган. Қизиги, футbolchilarimiz бир ютуқ ва бир дурангга меҳмонда эришганлар.

Бевосита ўйинга тўхтададиган бўлсак, бир-бираға муносиб бўлган терма жамоаларнинг учрашви ҳар доимигидек кескин ва муросасиз кечди. Хисоб учрашувнинг 24-дақиқасида очилди. БААнинг етакчи футbolchi-



ларидан Ф.Халил А.Поляков кўриклиётган дарвозани аниқ нишонга олди. Вакилларимиз жавоб тўпини 12 дақиқадан сўнг киритишиди. Иккى йиллик танаффусдан сўнг яна терма жамоага қайтган М.Қосимов тўпни қуай кулашда турган В.Карпенкога ошириди. Ҳужумкор ярим ҳимоячимиз зарба беришда хатога йўл қўймади — 1:1. Биринчи бўлим якунлангунга қадар мезбонлар ҳисобда олдинга чиқиб олишлари мумкин эди, бироқ аксарият ҳолатларда омад мехмонлар томонидан бўлди.

Терма жамоа бош мураббийи Р.Хайдаров ўйиннинг иккинчи ярмини пахтакорчиларга ишониб топшириди. Лекин иккинчи бўлимнинг дастлабки дақиқалари футbolchilarimiz учун яна омадсиз келди. А.Поляков ўрнига тушган Е.Сафонов В.Муборакнинг жарима тўпини ўтказиб юборди — 2:1. Учрашувнинг қолган вақтида вакилларимиз ҳисобни тенглаштиришига ҳаракат қилишиди. Ўйин якунланишига беш дақиқа қолганида С.Жепаров узоқ масофадан аниқ зарба берди. Мезбонлар посбони М.Одил бу тўпни қайтара олмади ва баҳа 2:2 ҳисобда якунланди.

Шу куни чиройли ўйин на мойиш қилган В.Карпенко ҳам, С.Жепаров ҳам терма жамоадаги илк голларини киритишиди. Бунга С.Жепаров бешта ўйинда эришган бўлса, В.Карпенкога уч учрашув кифоя қилди.



Жиңсөз

Ёшлар сағиғаси

Яңги дунёга келган гүдак оиласа қанчалар қувонч баҳш этишини сүз билан таърифлаш қийин. Айниқса, у ўғил бўлса ота севинчи асти қўяверинг. Энди менинг ҳам меросхўрим бор, дея ўзини қўярга жой тополмайди. Вояга етса халқи, Ватанига содик, фидоий инсон бўлсин, дея дуога қўл очади. Аммо улгайганида муштумзўр ёинки қотил бўлиб чиқса-чи?

УМР БАҲОРИ СЎНМАСИН!

Тошкент шаҳар Бектемир тумани "Бинокор" кўргонидаги хонадонлардан бирида туғилган болага яхши ният билан Фурқат (исмлар ўзгартирилган) деб исм қўйишиди. Баҳтга қарши у 17 ёшидаёт жиноят содир этди. Энди ҳаётининг энг сўлим, гуллаган фаслини совуқ панжара ортида ўтказишга мажбур.

Балки унинг ҳам тенгкурлари қатори олам-олам орзулали бўлгандир? Балки унинг ҳам кўз остига олган, ҳатто учрашишга ваъда берган суюклиси бордир. Балки... Афусуки, буларнинг бари энди саробга айланди.

Фурқат ўрта мактабнинг 6-синфини зўрга тутагиб, ўқимай қўйди. Унда бирор нарсага қизикиш йўклиги туфайли бекорчиликни касб қилиб олди. Ўзига ўхшаш уч-тўртта ўспиринлар билан чекишга, ичишга ўрганди. Кечалари кўча санқиб, кундузи фафлат ўйқусида ётиш унинг турмуш тарзига айланди.

Бора-бора боши берк кўчага кириб қолди. Ундан чиқиши эса кишидан ақл, онгни ишга соилини талаб этади.

Ўша куни улар ароқ ичишмаганда эҳтимол бу воеа рўй бермасмиди. Унинг олдига таниши Маҳмуд келиб, ўзи билан бирга олиб кетди. Хар куни йигиладиган жойга боришиганда у ерда Мадмурод ва бошқалар ўтиришарди. Улар танишлари Гули опанинг уйига бориб, хонадонини таъмирлаб бериш шарти билан қарз олишиди. Шундан сўнг улфатчилик қилиб, маст ҳолда "ўтганинг ўргони", кетганинг кетмонини" ола бошлишиди. Кутимаганда худди ўзларига ўхшаш бир гуруҳ кўча безори-ларга дуч келиб қолдилар. Ўзаро гап талашиб даҳанаки жангга айланди. Кейин эса ҳақоратлаш, туртиб-суртишлар авж олди. Рақиблардан бири Мадмуродга ташланганинг кўрган Фурқат кўлига ош пичоқни олиб, қасддан ўлди-

риш мақсадида унинг кўкрак, корин қисми ва ўнг кўлига санчди. Оғир тан жароҳати олган Саттор шифохонага ётқизилди. Фурқат ва ҳамтоворклари эса воеа жойидан "куён" бўлишиди. Икки-уч кундан кейин улар туман ИИБга ўзлари келдилар.

Мана, ичкилик касофати. Бундан хабар топган ота-она не кўйга тушишини бир тасаввур қилинг. Айниқса, онанинг зори, фарёдини кўз олдингизга келтириш мушкул. Тўғри, ёшликни бебошлик, фўрлик деб аташади. Лекин ножўя ишларга била туриб қўл уриш яхши оқибатларга олиб келмаслиги маълум-ку! Шу боис вояга етадиган навниҳол ўспиринлар ҳар бир қадамни ўйлаб босишлари мухимдир. Зеро, ҳалқимида "яхши билан юрсанг - етарсан муродга, ёмон билан юрсанг - қоларсан уятга" деган пурхикмат нақл бекиз айтилмаган.

А. ФАЙЗИЕВ,
амалиётчи.

ҲАҚҚОНӢИ ГАП

(Бошқотирма)

Расмдаги тўқизула доирача бир-бiri билан тўғри чизиклар ёрдамида туташтирилган. Агар икки марта уларнинг изидан борсангиз, доирачаларда ёш авлодни ёвуз иллатдан жiddий огохлантирувчи сўзлар аён бўлади.

Эслатма: энг аввало, қайси доирачадан бошлаш кераклигини аниқлаш, кейин ўрта чизикдан юкоридаги ҳарфларни, сўнгра пастдагиларини бирин-кетин кўшиб ўқиш керак.

Тузувчи Ҳ. АБДУЛЛАЕВ.



ЁШЛАР ОФУ КОМИДА

Россия Ички ишлар вазирининг сўзларига қараганда, мамлакат аҳолисининг 3 миллионга яқини гиёхвандлик во-ситалари истеъмол қиласди. Расман эса ярим миллион нафар гиёхванд рўйхатга олинган, холос. Хар бир гиёхванднинг қариндошлари, яқинлари борлигини назарда тутсак, бугунги кунда наркомания Россияядаги 15-20 миллион кишининг муаммосига айланган. Сўнгги ўн йил ичидан мамлакатда катта ёшдаги гиёхвандлар сони 8 баробар, вояга етмаган гиёхвандлар 18 баробар, бу касалликка муб-

тало бўлган болалар эса 25 марта кўпайди! Хар йили 300 минг нафаргача гиёхванд рўйхатга олиняпти!

Статистика майлумотлари-га қараганда, ҳозир айрим 13 ёшли болалар, қизлар ҳам илк бор оғу истеъмол қилишти. Сўнгги ўн йил ичидан гиёхвандлик оқибатида ўлаётган ўсминалар сони анча кўпайди! Болалиқдан бунга ружу кўйганларнинг камдан-камигина 35 ёшгача яшайди.

Айниқса, Тюмень вилоятида ахвол оғир. Бу ерда 8 яшар гиёхвандлар ҳам учраяпти. Сосновий Бор шаҳрида яшов-

чи 16-29 ёшли кишиларнинг ҳар иккитадан биттаси гиёхванд. Бу муаммо ҳатто ёпиқ шахарларни ҳам қамраб олган. Биргина Москва вилоятида ҳар йили 500 киши мөърдан ортиқ оғу қабул қилиши натижасида нобуд бўляпти. Вилоят аҳолисининг 35-40 минг нафари гиёхвандлик моддалари истеъмол қилишади. Мутахассисларнинг фикрича, жiddий чоралар кўрилмаса икки, уч йил ичидан ахвол ўта жиддийлашади.

Хориж матбуоти
материаллари асосида
тайёрланди.



Беғубор ёшлик

ЎСМИРЛАР ИЗЗА БЎЛИШДИ

Д. Пўлатов, милиция капитани Ф. Нурматов, милиция лейтенанти П. Бобомуминовлар аллақачон қидирив-суринтирув ишларини бошлаб юборишган экан.

Изкуварлар ниҳоят бир хонадон эгалари жуда арzon нарҳда телевизор сотиб олишганини аниқлашди. Телевизор жабрди йдаларнинг бирига тегишили бўлиб чиқди.

Ўғриларни кўриб, ҳамма ҳайратга тушди. Сабаби, улар ўзига тўқ оиласидарни фарзандлари бўлган икки ўсмир эди. Буюмлар эгаларига қайтарилиди, ўсмирлар эса кўпчилик олдида изза килинди. Эндиликда уларнинг тарбияси билан нафақат ота-оналари, балки профилактика инспектори, педагогтарбиячи ва маҳалла фаоллари ҳам шугулланадиган бўлишиди.

С. ОМОНТУРДИЕВ.

БЕКОРЧИДАН ҲАММА БЕЗОР

Маҳалламида Салим бобо деган кекса киши бўларди. У бекорчиларни ётиримасди. Айниқса, эсини таниб қолган бола кўча чангитиб юрса, ота-онасига учраб, насиҳат қиласди. Ҳамма бемазарчиликлар бекорчиликдан чиқади, дейишидан ҷарчамасди.

Қоракўл шахрининг бир қисмида профилактика катта инспектори бўлиб хизмат қилаётганимдан бери, ҳар бир маҳалла Салим бобо сингари кексалар зарур эканлигини хис қиласяпман. Гарчи эриш туюлса-да, маҳалла болаларни назорат қилиш учун кўпчиликка сўзи ўтадиган обрўли қариялардан бирини биритириб кўшиш мухимдир.

Туманимизда Йилнинг ўтган даври мобайнида ўсмирлар ва болалар иштирокида жиноят содир этилмади. Бу биринчи галда ота-оналар ва кексаларнинг ўз фарзандлари, маҳалла болаларига эътиборли бўлаётганилари натижаси. Маҳаллага хизмат кўрсататиётган профилактика инспектори ва вояга етмаганлар ўтасида хукуқбузарликларнинг олдини олиш инспектори болаларни назорат қилишда кенг жамоатчиликка суняди. Чунки бир маҳалла ўта ҳисобда 4-5 минг аҳоли яшаса, шундан 30 фоизи болалар ва ўсмирлардир. Икки-уч нафар милиция ходими уларга кўз-кулук бўлиши мушкүл, албатта.

Худудимизда болалар ва ўсмирлар ўтасида хукуқбузарликларнинг олдини олиш учун биринчи галда уларнинг бекор қилишига йўл кўймасликка ҳарекат қилияпмиз. Мактаб ўкувчиларнинг ёзги таътил кунларида маҳалла бола-

ларини спорт ўйинларига жалб этилди. Шаҳар ўйингоҳи, милиция таянч пунктлари қошидаги спорт майдонларида футбол, волейбол, теннис, кураш бўйича мусобақалар уюштирилди. "Иттифок" маҳалласида жойлашган милиция таянч пунктида спорт тўғараги мунтазам ишлаб турибди. Профилактика инспекторлари, милиция катта лейтенанти Т. Мўминов, милиция старшинаси Э. Йўлдошевлар машғулотларни ўзлари олиб боришипти. Бу маҳалла иккита мактаб бўлиб, футбол ва волейбол жамоалари тузилган. Моҳир ўйинчилардан иборат терма жамоа туман ва вилоят мусобақаларида иштирок этапти.

Маҳаллада 1,4 минг вояга етмаганлар истикомат қиласди. Ёзги таътил кунларида шаҳардаги пахта тозалаш заводи раҳбарияти билан келишув бўйича ўтизга яқин бола вактинча ишга жалб этилди. Ундан ташқари шаҳар атрофида хўжаликларнинг фермерлари ҳам ўсмирларга иш топиб беришиди. Бу бир томондан болаларда меҳнатга кўникма ҳосил бўлса, бошқа томондан ишлаб топган пулларига ўкув куроллари сотиб олишиди. Кизлар учун ташкил этилган тикув цехимизда ҳам йигирмадан ортиқ ўсмир қизлар тикувчилик сирларини ўрганишди.

Бекорчиликнинг охри безорилик эканлигини ота-оналар, муаллимлар ва маҳалла фаоллари чукур англаб етсаларгина болалар ўтасида хукуқбузарликларнинг олди олиниади.

И. ТУРДИЕВ,
милиция катта лейтенанти.

Иқтисодиётимиз күшандалари

Андижонлик Иброҳимжон Жўраев ишбилиармон, тадбиркор раҳбар сифатида кўпчилик орасида катта обрў-этиборга эга эди. У "Савдоэнерго" очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг Андижондаги хўжалик хисобидаги бўлими нинг директори лавозимида ишларди. Хисобга олинмаган катта даромад топши мақсадида корхона негизида "БЕНС" номли хусусий фирма ташкил эти. Уни "Савдоэнерго"нинг катта қоровули М. Исроилов номига расмийлаштириди ва фирма учун маймурйи бинодан хона ажратди.

Кичик корхона мақомига эга бўлган фирма Андижон шаҳар ҳокимлиги томонидан рўйхатга олингач, унга ўзининг ҳайдовчиси А. Абдуллаевни раҳбар этиб тайинлади. Саккиз ой ичидаги фирмага қоровул М. Орипов, сўнгра руҳий касалликлар шифохонасида даволаниб чиқкан ҳамда у ерда рўйхатда турган Т. Ҳакимлар директор бўлишиди.

Хўш, фирма раҳбарини тез-тез алмаштириб туришдан кўзланган максад нима эди? И. Жўраев шу йўл билан ҳисоб-китоб ишлари ва хужжатларни қалбакилаштириб, текширувчиларни чалғитишига уринади. Амалда эса барча жавоб-

ХИКМАТ

**Узоқ бўл,
ёмонлик заҳарли илон,
Ёмонлик чақади,
илондан ёмон.**

Тонг саҳарда уйқуси қочиб, уйғониб кетган Кулимбет бобонинг (исмлар ўзгартирилган) димогига ачимсик хидурингандек бўлди. Қариянинг кўнглига хавотир иниб, аста ўрндан турди. У туртиниб-суртиниб, оғига эски калишини иди-ю, омонатига ёпилган эшикни очди.

— Ё Раббим! — кўншининг уйда гуриллаб ёнаётган оловдан унинг қисик кўзлари катта-катта очилиб кетди. — Бу нима бўялти ўзи? Ойдус, Рисжон, туринглар, Алланазарнинг уйига ўт кетди!

Кулимбет бобонинг жусаси кичиң бўлгани билан овоzi етти маҳаллага етгулил эди. Унинг ҳайқириги билан бир зумда атрофдаги кўни-кўшнилар ҳам уйғониши. Ҳар ким кўлига илинган идиш билан оловга сув сепа бошлади. Кимдир ўт ўчирувчиларга кўнғироқ қилди.

Хўжайи тумани ИИБ ёхб ўт ўчирувчилари етиб келиб, оғатни даф килдилар. Ичкари уйга кирган ходимлар дархол қайтиб чиқиши. У ерда чала ёнган икки жасад ётарди.

Хабар келиши билан Қораллоғистон Республикаси ИИВ ЖК таъкид бўлум бошлиғи, милиция подполковники М. Абдуллаев, тезкор ходимлар, милиция катта лейтенанти К. Чимбергенов ҳамда милиция лейтенанти Н. Садиковлардан иборат тергов-тезкор гурухи зудлик билан воқеа жойига жўнаб кетди.

Қотиллик жиноятини очиша гуруҳ бошлиғи М. Абдуллаевнинг худудни, аҳолининг урф-одатларини яхши билиши кўл келди. Шу сабабли суриштирувлар натижасида ҳалок бўлган фуқа-

гарлик ишларини унга яқин кишилар бажаришади. Жумладан, ҳисоб-китобларни Р. Гаппаров, таъминот ишларини яқин дўсти X. Аҳмадалиев ва кўл остида ишловчи К. Ҳайдаровлар олиб бориш-



НАФСИ ҮЛКОНЛАР

ган бўлса, маҳсулотни сотиш билан укаси шуғулланарди. Шунингдек, И. Жўраевнинг кўл остида ишловчи бошқа ходимлар ҳам фирманинг "гуллаб-яшнашига" ўз "хисса"ларини кўшишиди.

Дастлаб ишни бошлаб олишга катта пул керак бўлди. И. Жўраев таниш-билишлари ёрдамида "Пахтабанк"нинг Андижон шаҳар бўлимида 40 миллион сўм кредит олди. Фирмани тезроқ оёққа турғазиш учун хом ашё базасини яратиш зарур эди.

У Андижон шаҳар ҳокимлигининг маҳсус варақалари компютерда ходимлари ёрдамида қалбакилаш-

тиришга эришди. Сўнг республика Макроиқтисодиёт ва статистика вазирининг ўринbosari ҳамда қатор нуфузли ташкилотларнинг раҳбарлари номига ахолини иш билан таъминлашни баҳона қилиб, лак-буёқ ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё захираси ажратишни сўраб, Андижон шаҳар ҳокими номидан алоқа хатлари юборди. Бу қалбаки хатларга И. Жўраевнинг "мутахассислари" жимхимадор қилиб имзо кўйдилар.

Кўп ўтмай фирманинг илтимослари қондирила бошланди. Кўкон ва Намангандаги ёф-мой заводларида техник мақсадларга ишлатиши

Жиноятчига жазо муқаррар!

ролардан биринчи гурух ногирони А. Алланазарнинг таниш-билишлари, унинг уйига вакт-бевакт келиб-кетувчилар хақида ба-тағсил маълумот тўпланди. Уларни таҳлил қилиш асносида, жуда қисқа муддатда иккни фуқарони ўлдириб, жасадларини ёқиб юбориша гумон килиниб, ҳеч қаерда

касб қилиб олган Доспан ҳали у, ҳали бу одамнинг юмушини бажариб юарди. У ана шундай кунларнинг бирида А. Алланазар билан танишиб, унинг хонадонига вакт-бевакт кириб турини одат қилди. Ўша, август ойининг охирги ҳафтасида ҳам кимнингдир хизматини қилиб, ичкиликка обдон тўйиб олган йигит кечаси келиб, унинг

Мўйсағид босиқлик билан уни жўнатиб юбормоқчи бўлди. — Бор, сен ҳам дамнинг ол.

— Мени ҳайдаятсизми?
— Ҳайдамаяпман, лекин ...
кўй энди, ҷарчаганман, дам олмоқчиман.

— Бўпти, бобой, — йигит тишини гижирлатганча нари кетди. — Яна кўришиб қолармиз!

томон бошлади. — Кўркманг, келтириб бераман.

— Бошимни қотирмай, кетсанг-чи? — Алланазар оғанинг жаҳли чиқа бошлади. — Кечкурун келиб "сув" дейсан, ярим тунда нарвон сўрайсан. Нима, менинг хонадоним карвонсаройми, ҳоҳлаган одам истаган вақтида кириб, бешвота қиласерадиган?

— Ха, карвонсарой! — Кетмасам, кўлингиздан нима келади? Хунук тиржади йигит.
— Кўшиларни ўйғотасизми?
Сизнинг уйингизга девор

жўраевнинг нафси ҳакалак отди. Энди у пойабзал маҳсулоти елими ишлаб чиқариш учун "Андижоннефтмаҳсулот" ташкилоти билан кимё саноатида ишлатишга мўлжалланган экстра бензинни олиш тўғрисида соҳта шартнома тузи. Шундан сўнг "БЕНС" фирмаси номига иккиси вагон, жами 100 тонна маҳсулот келди. Кимёвий моддалар ишлаб чиқаришга мўлжалланган экстра бензиннинг бир килоси 90 сўм эди.

Хўжжатда кўрсатилганидек, бензинни елим ишлаб чиқаришга сарфламай, ноқонуний фаолият билан шуғулланувчи воситачиларга ҳар бир литри 210 сўмдан пулланди. Бу ишга И. Жўраевнинг укаси Исройл бош-кош бўлди. Улар топган "даромад" нақ 16 миллион сўмни ташкил эти.

"Кинғир ишнинг қийиги қирқ ийлардан сўнг ҳам чиқади", деган мақол бежиз айтилмаган. Иброҳимжон Жўраевнинг кирдикорлари ички ишлар ходимлари томонидан фош қилинди. 13 кишилик жиноий гурухнинг давлатга етказган зарари 72 миллион сўмдан иборат эди.

Давлатни, ҳалкни алдаш йўли билан мўмай даромад топмокчи бўлган И. Жўраев ва унинг ҳамтоворлари қилмишлари учун жиноий ишлар бўйича Асака шаҳар суди томонидан узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилдилар.

**Р. АБДУЛЛАЕВ,
милиция капитани.**

НАРВОН БАҲОНА КОҒИДАЛИЦ

ишламайдиган А. Доспан кўлга олинди. Ҳовлининг бир четидан топилган, чамаси улоқтириб юборилган кетмоналини, ошхонадаги чўмич бандардан биринчи гурух

дарвазасини қоқди. "Бемахалда юрган ким экан?" дейа ташқарига чиқ-



ди ва дарвоза кесакисидаги бармоқ излари айнан унга тегиши бўлиб чиқди. Тезкортергов гурухи Доспан мархумнинг уйига киргани, уй эгаси унга бақириганинни эшитган гувоҳларни ҳам аниқлади. Ҳуллас, йигрима олти ёши Доспан бўлган воқеани сўзлаб беришдан бошқа чора топа олмади.

— Бўпти, ука, уйингга бор, — деди Алланазар оға. — Эртага баравақт турниб, уй юмушларини қилиши керак.

— Нима, мен сизга халақит беряйманми? — Ҳудафоналини йигит. — Боринг, кириб ётаверинг!

— Дарвозани беркитмай, қандай кириб ётаман? —

Қария унинг гапларини эшитмади.

Ярим тун. Атроф зим-зий. Самода мильтраган юлдузларгина хукрон.

Алланазар дарвозанинг аста-аста тақиллашидан ўйғониб, бир оз кулоқ солиб ётди. Ҳа, аниқ уларнинг дарвозаси. Шу пайтда яна ким келдийкин?

У ўрнидан турниб "хозир" дейа ташқарига йўнади. Остонада безрайиб турган Доспанга кўзи тушиши билан:

— Яна нима дейсан? — деди ўзини босиб.

— Нарвонингизни бериб туринг, — йигит пинагини бузмай ичкарига қадам кўйди. — Керак бўлиб қолди.

— Тавба, ярим тунда нарвонни қиласан? Уйинга бориб ётмасдан яна нега қайтиб келдинг?

— Айтаяпман-ку, нарвон керак деб, — йигит қарияни судрагандан бери қилиб, айвон

ошиб тушганим йўқ, ўзингиз киритдингиз. Қани, энди нарвонни беринг.

— Ҳозироқ чиқ уйдан, дарвозани бўркитаман, — деди қария ва йўл бошлади.

Йигит газаб билан атрофга аланглади. Қўзи шундук ёнгинасида, деворга суюб кўйилган кетмонани тушди. У кетмонани кўлига олди-ю... шаҳд билан олдинда кетаётган чолнинг бошига урди. Алланазар "их" деганича ерга кулади.

Йигит кетмонанинг юзи билан яна бир неча марта тушиди. Сўнг кетмонандан чиқиб кетган дастани дуч келган томонга улоқтириди. Бир оз атрофга кулоқ солиб турғач, аллақачон жони чиқсан ушоккина танани кўтариб, чироқ хира шула сочиб турган айвонга олиб борди.

— Ота, қаердасиз?

Доспан икаридан чиқиб келган қизчани кўриб, аввалига нима қилишини билмай қолди. Сўнг жон-жаҳди билан унинг бўлгизига чанг солди...

**Шаҳзода
ХУДОЙБЕРДИЕВА.**

Республика ИИВ ёхбари таҳкиби бош бошқарма ёнгин техникаси лабораториясининг бошлиғи, ички хизмат полковники Н. Лобановга отаси

Борис ЛОБАНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чукур ҳамдардлик билдирадилар.

Республика ИИВ ёхбари таҳкиби бош бошқарма ёнгин техникаси лабораториясининг бошлиғи, ички хизмат капитани Икром ЖўРАЕВнинг фожиали ҳалок бўлгани муносабати билан мархумнинг оила аъзолари ва яқинларига чукур тазсия избор этилар.

Республика ИИВ Молия-иқтисод бошармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби пенсия таъминоти бўлими бошлиғи, ички хизмат подполковники М. Миронусова падари бузруквори

МИРАБЗАЛ отанинг
вафот этганлиги муносабати билан чукур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИВ раҳбарияти ва шахсий таркиби ЖИЭБ муассасасининг тезкор вакили, ички хизмат катта лейтенанти Абдумалик ТУРСУНҚУЛОВнинг фожиали ҳалок бўлгани муносабати билан мархумнинг оила аъзолари ва яқинларига чукур ҳамдардлик билдирадилар.



УЛКАМИЗДА КУЗ

А. ТҮРАЕВ фототюди.

Сўраган эдингиз...

ДАРОМАД СОЛИФИ ТЎЛАНАДИМИ?

Хонадонимизда товук боқаётган эдик. Тушган даромадга солиқ тўлаймизми? Умуман, қандай даромадларга солиқ солинмаслиги ҳақида маълумот берсангизлар.

У. ДАВЛАТОВ,
Асака шахри.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг тегишли маддасига асосан жисмоний шахсларнинг қўйидаги даромадлари га солиқ солинмайди:

- давлат ижтимоий сугуртаси ва давлат ижтимоий таъминоти бўйича нафақалар;
- ишсизлик бўйича нафақалар;
- ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари;
- алиментлар;
- стипендиялар;
- давлат пенсиялари, шунингдек, уларга устамалар;
- майиб бўлиш ёки соғлигининг бошқа тарзда шикастланиши билан боғлиқ ҳолда, шунингдек, боқувчисининг вафот этганилиги муносабати билан кўрилган зарарни қоплаш юзасидан олинадиган суммалар;
- шахсларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликда етиштирган қорамол, қуён, нутрия, балик, паррандаларни ҳам тирик ҳолатда, ҳам уларни сўйиб маҳсулотларини ҳом ва қайта ишланган ҳолда, шунингдек, асаларичилик маҳсулотларини ва бундай хўжаликда етиштирилган тиббий ёки қайта ишланган дәжончиллик маҳсулотларини сотишдан олган даромадлари суммаси.

Баландирилган тиббий ёки қайта ишланган дәжончиллик маҳсулотларини сотишдан олган даромадлари суммаси.

Бу турфа олам КАСАЛХОНА ЎРНИГА ҚАМОҚХОНАГА

Кунлардан бир кун Франциядаги муассасалардан бирига ўгри тушди. У советгичдаги қовурилган товук гўшти, балик, сариёгни ўғирлабди. Шунингдек, бир шиша винони ҳам иҷиб кетибди. Кишилар буни шу ерда саёклик билан кун кўрувчи 35 ёшли Лебедо деган шахсадан кўрдилар. Лекин уни айблаш учун далил йўқ эди.

Шундай бўлса-да, Лебедони полиция участкасига олиб келдилар. Сўроқ вақтида у ўзига қўйилган айбга сира икror бўлмади. Ниҳоят, полиция инспектори ўрининг олдida ўз ҳамасбларига шундай деди:

— Аттанг, менга билдиришларича, бу жўжага турли радиоактив нурлар таъсир эттирилган экан.

Буни эшишиб турган Лебедонинг ранги кув учуб кетди. «Мени тезроқ касалхонага олиб боринглар!» — деди у бўғик овоз билан.

Шундай қилиб, ўгри касалхонага эмас, қамоқча жўна-тилди.

Бу турфа олам

СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

«Бензин» арабча «Лубан жавий» деган сўздан келиб чиқкан. Унинг маъноси «Ява бухўри» (Арабистондаги жой номи) демақдир. Бу ибора «бензой» шаклида лотин тилига ўтган, ундан итальян, кейин рус, ниҳоят, ўзбек тилига кириб келган.

«Магазин» сўзи омбор маъносини билдирувчи арабча «маҳзан» иборасидан олинган. Италиянлар уни «магазин» деб қабул қилганлар. Бу сўзлар шакл жиҳатдан бир-бира ўхшамайди. Лекин, гап шундаки, италиянлар талаффузга қуай бўлиши учун «маҳзан» сўзининг кўплик (маҳзин) шаклини қабул қилишган. Француздар эса уни «магазин»га айлантириб олганлар.

«Сироп» сўзи арабча «Шароб»дан олинган бўлиб, француздар уни «сироп» тарзида талаффуз этишини бошлаб беришган.

А. АЛИЕВ тайёрлади.

Найранг

ПЕНСИОНЕР ҲАМ ЖАБРЛАНДИ

Аглай Петровна эрталаб нафақа пулини олиш учун омонат кассасига борди. Иши битгач, кассадан юз метрлар чамаси узоқлашганда эгнига қора костюм кийган, кўзойнакли киши уни тўхтабиб, ўзини таништириди. Кўкрагида «Хавфисизлик хизмати» деб ёзилган нишон яқол кўзга ташланиб турарди.

У кечирим сўраб, кассир аёл кам пул берган бўлиши мумкинлигини

айтди. Кўлида иккюзоталик купорани ушлаб турарди (пенсионер учун яхшигина маблағ). Аглай Петровна дарҳол сумкасидан нафақа пули ва омонат дафтарасини чиқариб, пулни санади, кейин дафтарчадаги ёзувни кўздан кечириб енгил нафас олди.

— Кассир янгилишмабди, болам,

— деди у. — Ҳаммаси жойида.

Хавфисизлик хизмати ходими


хайратга тушиб, пулни ўзи санаб

кўрмоқчи эканлигини маълум килди. У омонат дафтараси ва янги купораларни кўлига олди. Икки сониядан сўнг эса кечирим сўраб шошиб турган аёлга ичига нафақа пули солинган омонат дафтарчани қайтарди.

Аглай Петровна ойлик даромадининг нақ ярми — 700 рубль ўмарилганини дўконга кирганида билиб қолди. Табиийки, онахон омонат кассага келиб ҳеч қандай хавфисизлик хизмати ходимини топа олмади.

«АИФ»дан олинди.

КРОССВОРД



ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Энига: 3. Ҳукумат. 9. Бедана. 10. Есенин. 11. Кабриолет. 14. Крана. 15. Обкаш. 16. «Сегоҳ». 20. Тасқара. 21. Таксометр. 23. Локомотив. 24. Галстук. 26. Гулчи. 28. «Ароба». 29. Намат. 34. Абдуллаев. 36. Погона. 37. Доллар. 38. Зилзила.

Бўйига: 1. Шердор. 3. Ҳамал. 4. Каҳрабо. 5. Мувозанат. 6. Телец. 8. «Динамо». 12. Аниқловчи. 13. Термостат. 14. Каталог. 17. Ҳаракат. 18. Ирмоқ. 19. Истак. 22. Гидроузел. 25. Тбилиси. 27. Узоков. 30. Аломат. 31. Образ. 32. Меъда.

Ёйлар бўйича: 2. Шабада. 7. Гектар. 33. Номзод. 35. Комила.

Энига: 5. Спорт ўйини. 8. Ҳафта куни. 9. Гўзаллик, нозиклик. 10. Куёш ботган пайт. 12. Портловчи курол. 15. Покистондаги Хинд вилоятининг асосий аҳолиси. 19. Ўзбек халқ мақоми. 20. Уй жихози. 21. Техника экини. 22. Билим олувчи. 23. Чорва моллари тўдаси. 24. Ит зоти. 25. Қорақалпогистондаги шаҳар. 27. Вилоят. 29. Газ модда. 30. Транспорт корхонаси. 31. Ўзбекистон халқ шоири, драматург. 32. Жундан ёки ипак аралаштириб тўқилган газлама. 35. Ақлий спорт ўйини. 38. Иш кийими. 39. Тожикистон халқ ёзувчisi. 40. Ўзбекистон халқ ҳофзи.

Бўйига: 1. Сув ташишда ишлаталидиган анжом. 2. Жуда паст, йўғон овоз. 3. Механизмнинг конус шаклидаги қисми. 4. Сўз туркуми. 6. Шеърият анжумани. 7. Ҳисоб илмининг илдиз чиқариш амалида кўлланиладиган белги. 11. Пойтахтимизнинг қадимий дарвозаси. 13. Мирзо Улугбек бунёд эттирган иншоот. 14. Транспорт воситасининг масофа ва хизмат ҳаки кўрсаткичи курилмаси. 16. Арқонда юриб томоша кўрсатиш санъати. 17. Инерт газ. 18. Шон-шараф хисси. 26. Алпомиши сиймосини саҳнада гавдалантирган устоз санъаткор. 28. Форс-тожик мумтоз мутафаккир шоири. 33. Ҳўл мевадан тайёрланадиган ичимлик. 34. Шифобахш чўл гиёҳи. 36. Ижодкор, халқ достонларининг ижроочиси. 37. Ширинлик.

Ф. ОРИПОВ тузди.

O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI IV
BIRLASHGAN
TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ:
700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

Bosh muharrir Shuhrat MURODOV

Bosh muharrir
o'rinnbosari v.b.
**Murod
TILLAYEV**
Mas'ul kotib
**Rahmatilla
BERDIYEV**

Navbatchi
**Sadriddin
SHAMSIDDINOV**
Sahifalovchi
Zokir BOLTAYEV
Musahhih
Gavhar XOLIQOVA

TELEFONLAR:
Bosh muharrir
o'rinnbosari 139-75-69.
Kotibiyat 139-73-88.
muxbirlar bo'limi
139-77-23, 59-27-15.
Buxgalter 139-75-37.
Faks 132-05-51.

E-mail:
urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami
20210000700447980001,
MFO 00421.
«Ipak yo'li» aksiyadorlik
investitsiyaviy tijorat
bankining Mirzo
Ulug'bek bo'limi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot
qo'mitasida **00007** raqam bilan ro'yxatga olingan
Buyurtma Г — 938. Hajmi — 4 bosma taboq.
Bosilish — ofset usulida. **45076** nusxada chop etildi.

Ko'chirib bosishda
«Postda»dan olinganligini
ko'rsatish shart
● Muallifning mulohazasi
tahririyat fikriga mos
tushmasligi mumkin.
● Qo'lyozmalar tahlil
qilinmaydi va
qaytarilmaydi.

Obuna raqamlari:
Yakka tartibda — 180
Tashkilotlar uchun — 366
Gazeta haftaning payshanba
kunlari chiqadi.
Bosishga topshirish vaqtiga — 20.00.
Bosishga topshirildi — 20.00.

«SHARQ»
nashriyot-matbav aksiyadorlik
kompaniyasi bosmaxonasida
chop etildi.
Korxonalar manzili:
Buyuk Turon ko'chasi
41-uy.
2, 3, 4, 5, 6.